

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРОҲИМОВ ЁРҚИНЖОН ТЎЛҚИН ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ  
СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (Doctor of  
Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Doctor of  
Philosophy) on economical sciences**

**Иброҳимов Ёрқинжон Тўлқин ўғли**

Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни солиққа тортиш  
механизмларини такомиллаштириш..... 3

**Иброҳимов Ёрқинжон Тўлқин ўғли**

Совершенствование механизмов налогообложения электронной  
коммерции в Республике Узбекиста..... 27

**Ibrohimov Yorqinjon Tulkin ugli**

Improving the mechanisms of taxation of e-commerce in the Republic of  
Uzbekistan..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРОҲИМОВ ЁРҚИНЖОН ТЎЛҚИН ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ  
СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Iqt1109 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кузиева Наргиза Рамазановна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жумаев Нодир Хосиятович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ашурова Насиба Батировна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Г.В. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт  
Университети Тошкент шаҳар филиали**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» 08 соат 14<sup>60</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, АмирТемур шох кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871)-234-53-34, факс: (99871)-234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (207 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шох кўчаси, 60Ауй. Тел.: (998)71-234-53-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» 08 кuni тарқатилди.  
(2021 йил «14» 08 даги № 33 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Тешабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Каландарова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

**И.Н.Кўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда мамлакатларнинг иқтисодий ҳолатини умумий тавсифлаб берувчи кўрсаткичлардан бири ялпи ички маҳсулот ҳисобланади. Жаҳон бўйича ЯИМ таркибида рақамли технологияларнинг салмоғи йил сайин ортиб, «рақамли иқтисодиёт глобал миқёсда 11,5 триллион долларга етди, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 15,5 фоизига тенг ва сўнгги 15 йил ичида жаҳон ялпи ички маҳсулотига нисбатан икки ярим баравар тез ўсди.»<sup>1</sup> ЯИМ таркибида рақамли иқтисодиёт улуши ортиб бораётганлиги сабабли иқтисодий инновацион сиёсат ушбу соҳа ривожига қаратилган. 2019 йилнинг охири ва 2020 йилнинг бошида юз берган пандемия сабаб, ривожланган мамлакатлар рақамли иқтисодиётни мамлакат ривожланишининг юқори кўрсаткичларига эришишининг муҳим омили, ҳамда давлат бюджети даромадлари қисмининг шаклланишида асосий манба сифатида қарамокда. Шу боис, рақамли иқтисодиёт, жумладан электрон тижорат фаолиятини тартибга солиш, уларни ривожланишини рағбатлантириш мақсадларидан келиб чиқиб солиққа тортиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш зарурати ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон амалиётида рақамли иқтисодиёт ва инновацион фаолиятларнинг ривожланиши натижасида тадбиркорликнинг мамлакатлараро шакли оммалашиб, бир мамлакат тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат орқали бошқа мамлакат истеъмолчиларига товар, хизматларни реализация қилиши оддий ҳолатга айланиб бормоқда, ушбу жараёнларни тартибга солиш, уларни солиққа тортиш механизмларини ишлаб чиқиш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда электрон тижорат шаклида тадбиркорликни амалга ошираётган субъектларнинг даромадларини аниқлаш, уларни ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, иккиёқлама солиққа тортишни олдини олиш, унга нисбатан тўғри солиққа тортиш механизмларини ишлаб чиқиш ва мавжуд механизмларни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган. Бироқ, жаҳонда ушбу соҳанинг ривожланиш даражаси турли мамлакатларда турлича бўлганлиги, унга нисбатан қўлланилаётган солиққа тортиш механизмлари ушбу мамлакат даромадларини шакллантириш нуқтаи-назаридан ишлаб чиқилганлиги ва унинг турлича эканлигига доир масалалар ҳануз ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимизда қулай бизнес ва инвестиция муҳитини яратиш баробарида электрон тижорат соҳасини ҳам кенг ривожлантириш ва уни ҳар томонлама қўллаб қувватлашга қаратилган. Электрон тижорат соҳаси ривожланаётган соҳа бўлганлиги сабабли уни тартибга солишнинг ўзига хос механизмларини жорий этишни талаб

---

<sup>1</sup> Huawei & Oxford Economics Digital Spillover. Measuring the true impact of the Digital Economy [https://www.huawei.com/minisite/gci/en/digital-spillover/files/gci\\_digital\\_spillover.pdf](https://www.huawei.com/minisite/gci/en/digital-spillover/files/gci_digital_spillover.pdf)

қилмоқда ва бу борада аввало ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарур. Шу боис мамлакатимизда электрон тижорат соҳасини солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, ҳамда ушбу соҳа ривожини солиқлар ёрдамида рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш масалаларига эътибор қаратилмоқда. «Тараққиётга эришиш учун, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда... Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни ҳам камайтиради»<sup>2</sup> Бу эса ўз навбатида мавзунинг бугунги кундаги долзарб масаларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 13 декабрдаги ПҚ-3724-сон «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур мавзу юзасидан ўрганилган илмий тадқиқот ишларини ўрганиш жараёнида ушбу йўналиш бўйича илмий изланишларни амалга оширган тадқиқотчиларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Жумладан, биринчи гуруҳ ғарб давлатлари тадқиқотчилари А.Кренсел, А.Ж. Сорделл, Р.Л. Доернберг, Д. Ҳардестй, Л. Ҳиннекенс, В. Ҳеллерстеин, Ж. Ли, А. Неллен, Ҳ. Вариан, П. Вилле, С.Э. Маклюр<sup>3</sup>.

Иккинчи гуруҳ МДҲ давлатлари тадқиқотчилари ҳисобланиб, улар В.А. Александров, Л.К.Терешенко, И.Ю.Алексеев, Н.А.Дмитрик ва

<sup>2</sup>МирзиёевШ. Ўзбекистон Республикаси Президенти ШавкатМирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент шаҳри 2020 йил 24 январь, <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

<sup>3</sup>Krensel A. VAT taxation of E-Commerce. Dissertation in partial fulfillment of the requirements for the degree of Masters of Law at the University of Cape Town.; Doernberg R.L International Taxation in a Nutshell 11th Edition Paperback – 2008; Hardesty D. Electronic Commerce: Taxation and Planning, (Warren Gorham& Lamont, Dec. 99)

Н.М. Василева, С.В. Василевалар Р. Вахитов, С.К. Иличев, А.В. Кастелская, А.В. Корен, А.В. Лазарева, И.П. Мелешенко, А.И. Погорлетский, А.А. Тедеев, Л.В. Фроловалар ҳисобланишади<sup>4</sup>.

Учинчи гуруҳ маҳаллий тадқиқотчилар, яъни Э.Гадоев, А.В.Ваҳобов, А.С.Жўраев, Т.С.Маликов, Р.Р. Исламова, А.Ш. Тошматов, Н.Х. Ҳайдаров, Н.Р. Кузиева, М.И.Алимардонов, К.Т. Уразалиев, Ф.И. Бабажонов, А.А. Юнусов, У.О.Дадабоев кабилар ҳисобланади.<sup>5</sup>

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг илмий ишларини таҳлил этиш жараёнида шу нарса аён бўлдики, ғарб ва МДҲ тадқиқотчилари электрон тижоратни солиққа тортишни назарий-ҳуқуқий асосларини комплекс тартибда ўрганганлар. Шунингдек, солиққа тортишдаги мавжуд муаммоларни ва уларни бартараф этиш борасида ўз давлатларининг амалдаги тартиби бўйича кўриб чиқишган. Маҳаллий тадқиқотчиларимиз томонидан амалга оширилган ишлар кўпроқ электрон тижоратнинг назарий-ҳуқуқий асосларини очиқ беришга қаратилган. Солиққа тортиш амалиётидаги мавжуд муаммолар ҳамда солиққа тортиш механизмларини ягона ёндашувини англатувчи амалиётни жорий этиш жиҳатлари ёритилмаган. Шу нуқтаи назардан, мазкур ҳолатлар соҳани назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш, Ўзбекистонда электрон тижоратни солиққа тортиш механизмларини мавжуд ҳолатини таҳлил этиш, солиққа тортиш амалиётини ривожлантириш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, Ўзбекистонда электрон тижоратни солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш учун илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга асос бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>4</sup> Корень А.В. Налогообложение субъектов электрон коммерции: проблемы и перспективы: монография – Владивосток: Изд-во ВГУСЕ, 2011.; Ильичев С.К. Особенности налогообложение реализации услуг в сфере электронной коммерции. – М.: Маркет ДС, 2004. -188 с.; Фролова Л.В. Налогообложение электронной торговли: автореферат на соискание к.э.н. – Саратов.: 2009 – 20 с. Евстигнеев Е. Налоги, налогообложение и налоговое законодательство. – СПб: Питер, 2001. – 336 с.;

<sup>5</sup>Гадоев Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. – Т.: "Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1996. -128 б.; Гадоев Э., Кўзиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 281 б.; Гагаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: ДСК, 1996. – 241 б.; Завалишина И. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Т.: "Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси", 2005. – 544 б.; Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2019. – 448 б.; Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. – Т.: «НОШИР», 2012. – 712 б.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002. - 204 б.; Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, 1999. – 254 б.; Собиров Х.Р., Фаттахов А.А., Иминов О.Н. «Налогообложение малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан» - Т., Молия, 2000. -114 с.; Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. Монография.-Т.: "Молия", 2012.-160 б.; Алимардонов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири.- Т.: ТМИ, 2003.-233 б.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

электрон тижоратнинг иқтисодий моҳияти ва солиққа тортишнинг назарий асосларини ўрганиш;

электрон тижоратни солиққа тортишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

электрон тижоратни солиққа тортиш билан боғлиқ мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш;

электрон тижоратни солиққа тортишдаги муаммоларни ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш;

хорижий давлатларнинг электрон тижоратни солиққа тортиш тажрибасини ўрганиш;

электрон тижоратни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳасини солиққа тортиш механизмлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳасини солиққа тортиш механизмларини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда диалектик ёндошув, тизимли таҳлил, синтез, шунингдек, иқтисодий усуллар – статистик, математик моделлаштириш, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

чет эл электрон тижорат субъектлари томонидан кўрсатиладиган электрон хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғининг солиқ солинадиган базасини тўлов амалга оширилган вақтдан келиб чиқиб аниқлаш таклиф этилган;

солиқ тўловчиларни реализация қилиш жойида рўйхатга олишни электрон хизматларни кўрсатувчи чет эл электрон тижорат субъектларига жорий этиш таклиф этилган;

электрон тижорат субъектлари томонидан тўланадиган фойда солиғи ставкасини икки баробар пасайтирилган ставкада белгилаш асосланган;

электрон тижорат субъектлари томонидан амалга оширилган айланмалар тўғрисидаги маълумотни солиқ ҳисоботи таркибида алоҳида акс эттиришни жорий этиш орқали солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар аниқлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

электрон хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахслари томонидан қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган базани тўлов амалга оширилган вақтдан келиб чиқиб аниқлаш бўйича механизм жорий қилинган;

электрон хизматларни реализация қилувчи чет эл электрон тижорат субъектларини реализация қилиш жойида рўйхатга олиш амалиёти жорий қилинган;



умумбелгиланган солиқларни тўловчи электрон тижорат субъектлари фойда солиғи ставкасини икки баробар пасайтирилган ставкада тўлаш амалиёти амалга киритилган;

соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчи электрон тижорат субъектларини ҳисобини юритиш учун айланмадан олинадиган солиқ ҳисобот шаклига электрон тижорат орқали товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан соф тушум ҳисоби алоҳида юритилиши жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндошув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида белгиланган асосий йўналишларни амалга оширишда электрон тижорат фаолиятини солиққа тортиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан давлат томонидан солиқлар йиғилувчанлигини оширишга қаратилган чоратадбирлар тизимини ишлаб чиқишда электрон тижорат фаолиятини солиққа тортиш, солиқ назоратининг шакллари ишлаб чиқиш ва электрон тижоратни янада ривожлантиришда ҳамда ушбу фаолиятни легаллаштиришда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда электрон тижоратни солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чет эл электрон тижорат субъектлари томонидан кўрсатиладиган электрон хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғининг солиқ солинадиган базасини тўлов амалга оширилган вақтдан келиб чиқиб аниқлаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 24 декабрдаги 17-42304-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида электрон хизматлар бўйича бўйича қўшилган қиймат солиғининг солиқ солинадиган базасини ҳисоблаб чиқариш механизми яратилган;

солиқ тўловчиларни реализация қилиш жойида рўйхатга олишни электрон хизматларни кўрсатувчи чет эл электрон тижорат субъектларига жорий этиш бўйича берилган таклиф, Ўзбекистон Республикасининг

2019 йил 30 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 279 моддасида (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 24 декабрдаги 17-42304-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу механизмнинг жорий қилиниши ҳисобига 2020 йилда бюджетга қўшимча 12,4 млрд.сўм қўшилган қиймат солиғи тушишига эришилган;

электрон тижорат субъектлари томонидан тўланадиган фойда солиғи ставкасини икки баробар пасайтирилган ставкада белгилаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 24 декабрдаги 17-42304-сон маълумотномаси). Натижада, электрон тижорат субъектларининг ихтиёрий равишда солиқ органларида рўйхатда туришлари ва ўз фаолиятларини янада кенгайтиришларига эришилган;

солиқ ҳисоботи таркибига электрон тижорат субъектлари томонидан амалга оширилган айланмалар тўғрисидаги маълумотни киритиш бўйича берилган таклиф айланмадан олинмаган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи шаклининг алоҳида сатрларида ўз аксини топган(Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 24 декабрдаги 17-42304-сон маълумотномаси). Натижада соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчи электрон тижорат субъектлар томонидан электрон тижорат фаолиятини амалга оширдан тушадиган тушумларнинг алоҳида ҳисобини юритиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, шундан 2 та республика журналларида ва 1 та хорижий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 104 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Электрон тижоратни солиққа тортишнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида, электрон тижоратнинг назарий ва ҳуқуқий асослари, унинг ривожланиш тарихи ва тенденциялари, электрон тижоратни солиққа тортиш бўйича илмий ёндашувлар ёритилган.

Бугунги кунда, барча ривожланаётган давлатлар қатори мамлакатимизда ҳам юксак потенциал эга, иқтисодиётнинг ҳозирги замон талабига мос келувчи, ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилувчи электрон тижорат соҳасини ривожлантириш – мамлакатимиз иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади. Электрон тижорат соҳаси ўзининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини шаффоф тарзда жаҳон бозорида намоён этиш имкониятини тадбиркорлик субъектларига тақдим этиш билан биргаликда, чет эллик инвесторларни жалб қилиш учун қулай платформа бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, электрон тижорат соҳасини ривожлантириш ва уни солиқлар воситасида рағбатлантириш мақсадида, ушбу соҳага қаратилган солиққа тортиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уни босқичма-босқич такомиллаштириб бориш муҳим ҳисобланади.

Ахборот технологиялари ривожланиши натижасида виртуал амалга оширилувчи тадбиркорлик шаклининг ривожланиши, бизнес соҳасида янги бир термин электрон тижорат тушунчасининг пайдо бўлишига тўртки бўлди. Хорижий иқтисодий адабиётларнинг муаллифлари ўз йўналишларидан келиб чиқиб бу терминга таъриф берганликлари боис, иқтисодий муносабатларда электрон тижорат тўғрисида қониқарли тушунча ҳосил қилишимиз учун тўсқинлик қилади. Электрон тижорат моҳиятини очиб бериш мақсадида, аввало, ушбу тушунчага Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 22 майдаги ЎРҚ-385 сонли «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуннинг 3 моддасида берилган таърифни келтириб ўтамиз, унга асосан «Электрон тижорат – ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар(ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижоратдир»<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup> 2015-йил 22-майдаги ЎРҚ-385 сонли «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни(янги таҳрири) Халқ сўзи газетаси 23.05.15й

Қонунда келтирилган таъриф анчайин умумий тарзда баён этилган бўлиб, электрон тижоратнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилмаган, шунингдек шартноманинг оферта ва аксептланган услубда тузилиши кераклиги кўрсатиб ўтилмаган. Электрон тижорат тушунчаси тўғрисида яқуний хулосага келишдан олдин, маҳаллий ҳамда хорижий олимларнинг ушбу категорияга билдирган ўзларининг муносабатларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бирлашган Миллатлар Халқаро Комиссиясининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги наъмунавий Қонунига асосан, электрон тижорат электрон тарзда амалга ошириладиган бизнес муносабатларининг барча туридир, жумладан, товар ва хизматлар реализацияси, лизинг, саноат-қурилиш, инвестиция, молия, банк ва консалтинг, суғурта хизматлари ва бошқалар.<sup>7</sup>

Хорижий олимларнинг электрон тижорат тўғрисида билдирган фикрларига эътиборимизни қаратиб ўтадиган бўлсак, иқтисодий олимлар Раинер анд Сегиелски электрон тижоратни қуйидагича тавсифлайди: «Электрон тижорат интернетни ўз ичига олган ҳолда компьютер технологиялари ёрдамида маҳсулотларни, хизматларни, маълумотларни сотиб олиш, сотиш, трансфер қилиш ва айирбошлаш жараёнидир»<sup>8</sup>. Электрон тижоратга берилган бу таърифда унинг хусусиятларидан келиб чиқиб тавсифлашга ҳаракат қилинган.

Осиё тараққиёт банки институтининг иқтисодчи олимлари Аладдин Д.Рилло ва Владимир дела Крузларнинг Электрон тижоратга берган таърифлари қуйидагича: «Электрон тижорат кенг турдаги тижорат фаолиятини қамраб олувчи, интернет ва электрон тармоқлар орқали товар ва хизматларни сотиш ва сотиб олишдир»<sup>9</sup>.

Юқорида келтирилган фикрлар, шунингдек турли иқтисодий манбааларда олиб борилган изланишлар натижасида, электрон тижорат таърифини қуйидаги мазмунда ёритиш лозим: Электрон тижорат – қонунчиликда руҳсат этилган тўлов турлари ёрдамида ҳисоб-китоб қилинадиган, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда имзоланадиган шартномага асосан товарлар(ишлар, хизматлар, маълумотлар) олди-сотдиси, трансфер ва айирбошлаш жараёнидир.


Агарда электрон тижоратнинг мамлакат иқтисодиёти ва тадбиркорлик субъектлари, ҳамда сўнгги истеъмолчилар учун афзалликларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ушбу соҳа иқтисодиётга давлат бюджетининг даромадлар қисмини ортишида, экспорт салоҳияти ва мамлакат меҳнат бозорини кенгайтишида намоён бўлади, шунингдек тадбиркорлик субъектлари ва истеъмолчиларга ҳам қатор афзалликлар тақдим этади ва уни қуйидаги расмда келтирилган маълумотлар орқали кўришимиз мумкин (1-расм).

---

<sup>7</sup>UNCITRAL Model Law on Electronic Commerce (1996)[http://www.uncitral.org/uncitral/en/uncitral\\_texts/electronic\\_commerce/1996Model.html](http://www.uncitral.org/uncitral/en/uncitral_texts/electronic_commerce/1996Model.html)

<sup>8</sup>Раинер, К. &Цегелски, С. (2011) Introduction to information systems: Enabling and transforming business. Third edition. John Wiley & Sons Inc.

<sup>9</sup>АладдинД.Рилло, Владимир дела Круз, Associate, ADBI. The development Dimension of E-commerce in Asia: Opportunities and Challenges No. 2016-2 Brief policy ADBI



**1-расм. Электрон тижорат соҳасининг афзалликлари<sup>10</sup>**

Ўзбекистон иқтисодиётининг электрон сегментида солиқ маъмурчилигини модернизация қилиш шароитида солиқ тўловларини ҳисоблаш ва йиғиш учун комплекс кўп босқичли тизим сифатида электрон тижорат ташкилотлари учун солиқ механизмини шакллантиришнинг асосий пойдевори сифатида қуйидаги механизмлар инобатга олиниши, ушбу механизмлардан фойдаланган ҳолда мамлакатимизда электрон тижорат фаолиятини тартибга солиш, унинг ривожланиши учун мақбул солиқ сиёсати ишлаб чиқиш орқали замин яратиш мумкин.

<sup>10</sup>Иброхимов Ё.Т. COVID-19 пандемия шароитида мамлакат иқтисодий ҳолати, электрон тижоратда кескин ўзгаришлар ва уни солиққа тортиш борасидаги муаммолар таҳлили//“Молия ва банк иши” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2020 йил

**Жаҳон амалиётида электрон тижоратни солиққа тортиш  
механизмлари<sup>11</sup>**

<b>Механизм номи</b>	<b>Мазмуни</b>	<b>Қўллаш имкониятлари</b>
«Тескари солиқ солиш» механизми	Товар, хизматларни реализация қилувчи қўшилган қиймат солиғига тортилмайди. Маҳсулотни сотиб олувчи ўзининг жойлашган мамлакатада қўшилган қиймат солиғини тўлайди.	Қўллаш имкониятлари бир мунча чегараланган, чунки товар, хизматлар охирги истеъмолчи жисмоний шахсга реализация қилинганда солиқ назоратини амалга ошириш мураккаб кечади.
«Сотувчини харидор жойлашган мамлакатда рўйхатга олиш» механизми	Товарларни сотиб олувчи харидор жойлашган мамлакатда реализация қилинган товар ва хизматлар рўйхатга олиниб шу жойда амалда бўлган тартибда солиқ тўланади.	Товарларнинг келиб чиқиш жойида солиқ тушумларини камайишига олиб келади.
«Солиқ солинадиган базадаги емирилишни бартараф этиш» механизми	Товар ва хизматларни сотиб олувчи манбада солиқ солинади.	Электрон тижорат соҳаси яхши ривожланмаган мамлакатларда қўлланиши яхши самара беради.
«Жўнатилган маълумотлар ҳажмига (бит) қараб солиқ солиш» механизми	Жўнатилаётган маълумотларнинг интернетда эгаллаган ҳажмига мос равишда пропорционал солиқ солинади.	Ҳажми катта, лекин нархи юқори бўлмаган товарлар (музыка, филмлар) бўйича юқори солиқ солинишига, ҳажми кичик лекин қиймати юқори бўлган товарларга (дастурий таъминот) камроқ солиқ солиниши олиб келади.
«Вақтинча прогрессив ставкаларни қўллаш» механизми	Электрон тижорат соҳасида янги рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектларига нисбатан пастроқ, фаолиятини йўлга қўйган хўжалик субъектларига юқорироқ ставкада солиқ солинади.	Электрон тижорат соҳасида янги фаолиятини бошлаган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришни назарда тутди.

**Диссертация ишининг «Электрон тижоратни ривожлантиришнинг иқтисодий таъсири таҳлили ва уни солиққа тортиш механизми» номли иккинчи бобда электрон тижоратни солиққа тортишнинг амалдаги**

<sup>11</sup> и.ф.д. проф. Ш.А.Тошматов “Ўзбекистонда электрон тижорат соҳасини солиққа тортишни такомиллаштириш йўналишлари” номли тезис маълумотлари

ҳолати тадқиқ этилган, уни ривожлантиришнинг иқтисодий таъсири ва уни солиққа тортиш механизми таҳлил қилинган, шунингдек, эконометрик моделлардан фойдаланилган ҳолда электрон тижоратда солиқ тушумлари прогнози ва уни солиққа тортиш механизмлари таҳлил қилинган бўлиб, уларни таҳлил қилиш натижасида қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

Глобал миқёсда ривожланиб бораётган ушбу тижорат турини республикада ҳам амалга оширилишини рағбатлантириш, ҳамда уни амалга оширилишининг тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш, ҳамда уни ривожлантириш бўйича энгилликлар бериш, етарли даражадаги инфратузилма билан таъминлаш борасида атрафлича ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунга мисол сифатида, 2018 йил 14 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш тўғрисида»ги ПҚ-3724 сонли қарори бўлди. Ушбу қарор Ўзбекистонда электрон тижоратнинг жорий ҳолати, бугунгача унинг ривожига тўсиқ бўлиб келаётган муаммолар ва унинг ривожланиш истиқболларини кўрсатиб берди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5116-сонли фармонида асосан, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби ва умумбелгиланган тартибини қўллаш учун оборот бўйича чегаравий миқдордан ошган корхонага, кичик тадбиркорлик субъекти мақомини сақлаб қолган ҳолда, қўшимча солиқ мажбуриятларини белгилаш<sup>12</sup> бўйича қоидалар кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида ҳам ўз аксини топди ва бу ўзгаришлар электрон тижорат билан шуғулланувчи субъектларга нисбатан ҳам тадбиқ этилди.

Дунёнинг барча давлатлари қатори COVID-19 пандемияси Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади, ҳамда ўзининг ижтимоий-иқтисодий таъсирларини кўрсатди. Дастлаб, пандемия натижасида келиб чиққан иқтисодий инқироз ва авиакатновларнинг тўхталиши мамлакатимизда энди ривожланиб келаётган туризм соҳасига, ҳамда ўз-ўзини яққалаш карантин режими жорий қилинган эса тадбиркорликнинг қолган шакллари ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Жаҳон иқтисодий таъсирининг тобора интеграциялашиб бораётган мамлакатимиз, асосий ҳамкорларимизда ҳам кузатилган иқтисодий инқирозлар сабаб, давлат чегараларининг ёпилиши натижасида 2020 йил январь-март ойлари якуни билан ташқи савдо айланмаси 8 140,4 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 924,1 млн. АҚШ долларига ёки 10,2 фоизга камайди.

Ташқи савдо айланмада экспорт ҳажми 10,9 фоизга пасайиб 3 374,7 млн. АҚШ долларини ва импорт ҳажми эса 9,7 фоизга камайиб 4 765,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5116-сонли фармони



**2-расм. 2018-2021-йилларнинг I чорақ якуни бўйича Республика ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари**<sup>13</sup>

Сўнгги йилларда саноат тузилмасини диверсификация қилиш, мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш, экспортни қўллаб-қувватлашни янада кучайтирилиши натижасида, экспорт товар ва хизматлари таркибида сезиларли ўзгаришларга эришилди. Бироқ, 2020 йилнинг биринчи чорагида экспорт ва импорт миқдорлари ўртасидаги фарқ 2019 йилги кўрсаткичларга нисбатан камайган бўлишига қарамадан, инқироз мамлакатимиз экспорт кўрсаткичига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бунинг асосий омили сифатида, асосий ҳамкор давлатлар томонидан мамлакатимизнинг товар ва хизматларига бўлган талабининг камайишини келтиришимиз мумкин. Пандемия келтириб чиқарган инқироз шароитида, мамлакатга хорижий валюта оқимини таъминлашнинг асосий унсури бўлган экспорт кўрсаткичини янада яхшилаш муаммоси эндиликда замонавий ечимларни талаб этади.

Ҳозирда АКТ соҳасининг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2.2 фоизни ташкил қилмоқда. АКТ соҳасининг XXI асрдаги потенциали жуда юқори бўлган бир даврда, мамлакатимиз ЯИИМдаги улуши бу қадар паст кўрсаткични ташкил этишининг омили сифатида ушбу соҳада салоҳиятли кадрлар етишиб чиқишини таъминлаш ва уларнинг ўз бизнесларини ташкил этиш борасида қулай бизнес муҳити яратилмаганлигини келтиришимиз мумкин. Жаҳон бозорида ҳаётнинг турли жабҳаларида у хоҳ иқтисодий тармоқлар бўлсин, хоҳ инсонларни кундалик ҳаётида маълум ишларнинг дастурлар ёрдамида автоматлаштирилишига талаб жуда юқори. Буни эса, мамлакатимизда ўз тадбиркорлигини электрон тижорат шаклида ташкил этиб, дунё бозорида мавжуд талабларга жавобан ўзининг электрон хизматларини таклиф этиши орқали мамлакатимиз иқтисодиётига ижобий

<sup>13</sup>Иброҳимов Ё.Т. COVID-19 пандемия шароитида мамлакат иқтисодий ҳолати, электрон тижоратда кескин ўзгаришлар ва уни солиққа тортиш борасидаги муаммолар таҳлили//“Молия ва банк иши” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2020 йил



таъсир этиши мумкин бўлган замонавий электрон тижорат соҳасига қатор афзалликлар бериш орқали амалга ошириш мумкин.

Пандемия келтириб чиқарган инқирознинг мамлакатимиз иқтисодий кўрсаткичларига таъсирига тўхталиб ўтадиган бўлсак, Жаҳон банкининг «COVID-19га қарши кураш» номли Европа ва Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётига бағишланган ҳисоботида асосан, пандемия шароитида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти ўсиши кескин қисқариб, 2020 йилда 1,6 фоизни ташкил этиши прогноз қилинган. Солиқ тушумларининг камайиши ва инқирозни юмшатиш харажатлари туфайли бюджет дефицити 2020 йилда ЯИМнинг 5,6 фоизига, 2021 йилда 4,7 фоизига етиши тахмин қилинмоқда. Ижобий томондан эса, олтин ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти барқарорлигича қолиши кутиляпти, ammo нархлар ўзгарувчанлиги сезиларли равишда юқори бўлиши мумкин.<sup>14</sup>

Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 10 сентябрдаги навбатдан ташқари йиғилишида асосий ставкани йиллик 15 фоиздан 14 фоизга тушириш (бундан авал, 2020 йил 10 апрелдаги навбатдан ташқари йиғилишида асосий ставка йиллик 16 фоиздан 15 фоизга туширилган эди) тўғрисида қарорини келтириб ўтишимиз жоиз. Пандемия таъсирида шаклланган ташқи ва ички ҳолат натижасида мамлакатда иқтисодий фаоллик нисбатан пасайди. Натижада нарх-навога талаб томонидан босим камайганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин, бу эса асосий ставкани бир фоизга тушириш орқали иқтисодий фаоллик ривожланишини таъминлашга қаратилган навбатдаги чора ҳисобланади.

Иқтисодий фаоллик пасайганлигини иқтисодиётда амалга оширилаётган тўлов транзакциялари ўзгаришида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2020 йил март ойида банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6 фоизга пасайган бўлса, 2020 йил апрел ойининг дастлабки 10 кунлигида тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўлов транзакциялари ҳажми март ойининг мос даврига нисбатан 26 фоизга камайди. Шунингдек, Ўзбекистон товар-хомашё биржасида амалга оширилган битимлар сонидан ҳам сезиларли даражада пасайиш кузатилди. Хусусан, апрел ойининг дастлабки икки ҳафтасида амалга оширилган харидлар суммаси март ойининг мос даврига нисбатан 28 фоизга пасайди.<sup>15</sup>

Агар жаҳон иқтисодиётида қайси турдаги соҳалар COVID-19 пандемияси натижасида юзага келган ноқулай вазиятга қарамасдан ривожланишга эришганлигига назар соладиган бўлсак, гуардиан журналининг маълумотларига асосан, «COVID-19 пандемияси даврида Амазон электрон тижорат компанияси фаолияти секинлашмади. Балки бунинг тескараси: бошқа бизнеслар қисқариб, фаолияти тўхтаётган бир пайтда, Амазон компанияси харидорларнинг товар ва хизматларга сарфи сониясига 11 000 АҚШ долларини ташкил этаётганлиги боис, унинг капитал

<sup>14</sup>Жаҳон банкининг“Fighting COVID-19”номли ҳисобот маълумоти  
<https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/33476/9781464815645.pdf>

<sup>15</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти маълумотлари  
[https://cbu.uz/oz/press\\_center/releases/214554/](https://cbu.uz/oz/press_center/releases/214554/)

бозордаги ҳолати ажойиб натижаларни қайд этмоқда. Ҳаракат чекловлари сабаб кўпчилик харидорлар Амазон орқали харид қилишни афзал кўрмоқдалар ва бу эса АҚШ электрон тижорат бозорининг 50 фоизини эгаллаган Амазон компаниясининг аҳамиятини янада оширмоқда. Мижозларнинг талабини қондириш учун компания 100 минг янги ишчиларни ёллашни режалаштирилмоқда.» Шунингдек, яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтадиган бўлсак, ҳозирда Амазон компаниясининг бозор баҳоси 1 трлн. АҚШ долларини ташкил қилади. Бироқ, компания 2018 йил якунлари бўйича тақдим этган ҳисоботига кўра, унинг даромади 11 млрд. АҚШ долларини ташкил этганлигига қарамасдан, ундан тўланган федерал солиқлар эса 0 АҚШ долларини ташкил қилган яъни компания шунчалик кўп даромад топишига қарамасдан федерал солиқлардан озод этилган.<sup>16</sup> Ҳукумат учун компания тўлайдиган солиқлардан кўра муҳим кўрсаткичлардан бири бу Амазон компаниясининг 800 мингга яқин фуқароларни ишчи ўрни билан таъминлаётганлигидир. Агарда электрон тижорат компаниялари ҳар қандай шароитда ҳам кўп миқдордаги ишчи кучини иш билан таъминлаш, экспорт имкониятини кенгайтириш, бунинг ортидан мамлакатга хорижий валюта кириб келишини таъминлаш имкониятига эга бўлса, унда бундай компанияларнинг мамлакатимизда ривожланиши, уларнинг маҳаллий рақобатбардош маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш мақсадида ташкил қилинадиган савдо платформаларини ривожлантиришларини янада рағбатлантириш учун имтиёзли ёки револвер кредитлар, солиқлар орқали имтиёзлар, ҳукумат томонидан инфратузилмани яхшилашга бўлган харажатларни ошириш орқали барча шароитларни яратиб бериш зарур деб ҳисоблаймиз.

Пандемия келтириб чиқарган инқирозга қарши курашишнинг иккинчи босқичида жуда кўплаб имтиёзлар тақдим этилди, ушбу имтиёзлардан фойдаланиш мақсадли бўлиши лозим. Масалан, 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар туризм соҳасида фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлардан мақсадли фойдаланиш мақсадида, уларнинг олдида ушбу имтиёзли давр ичида ўз фаолиятларини замон талабидан келиб чиққан ҳолда, электрон тижорат тарзида қайта ташкил этишлари лозим, яъни масофадан турган ҳолда онлайн туризм хизматларини кўрсатишга ҳам ихтисослашишлари лозим бўлади.

Туризм соҳасига тақдим этилган ижтимоий солиқнинг 1 фоизлик ставкасини қўллаш бўйича тақдим этилган афзаллик электрон тижорат соҳасига истеъмолчиларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида ўз хизматларининг таннархига минимум фойда қўяётган электрон тижорат субъектларига ҳам тақдим этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Сабаби, улар иқтисодийимиз қийин аҳволда қолган бир даврда, кичик бизнес субъектларини электрон хизматлар орқали қўллаб қувватлаб, мамлакатдаги иқтисодий фаолликни оширишга ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Шунингдек,

---

<sup>16</sup>Иброҳимов Ё.Т. COVID-19 пандемия шароитида мамлакат иқтисодий ҳолати, электрон тижоратда кескин ўзгаришлар ва уни солиққа тортиш борасидаги муаммолар таҳлили//“Молия ва банк иши” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2020 йил

пандемия даврида кунлик даромад топувчиларнинг ишсиз қолган кўпчилик қисмини ишга ёллаш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминламоқдалар.

Бундан ташқари, инқироз даврида электрон тижоратни йўлидаги турли тўсиқларни бартараф этиш орқали, мамлакатимизга кириб келиши мумкин бўлган инвестицион оқимлар учун кенг йўл очиб бериш имкони мавжуд. Ҳозирги кунда Ўзбекистон дунёнинг бошқа мамлакатларидаги инвестицион ташкилотлар ва йирик молиявий компаниялар учун ижобий потенциал эга давлат сифатида баҳоланмоқда. Шу боисдан, чет элнинг машҳур молиявий компаниялари, жумладан, Блоомберг, Рефинитив каби ташкилотлар мамлакатимиз бозорига кириш, ҳамда мамлакатимиздаги тижорат банклар, тадбиркорлик субъектларининг қимматли қоғозларини жаҳон бозоридаги олди-сотдисини таъминлаш мақсадида, ўзларининг ахборот ва савдо платформалари орқали кўрсатиладиган электрон хизматларини таклиф қилмоқдалар. Агарда улар томонидан кўрсатиладиган электрон хизматлар мамлакатимиз инвестицион жозибадорлигини янада оширишга ўзини хиссасини қўшадиган бўлса, шунингдек, аҳоли ўртасида молиявий саводхонликни ошишига туртки бўлиб, уларнинг ушбу платформалар орқали молиявий бозорда даромад топишига замин яратса, мамлакатнинг солиқ сиёсати бундай электрон хизматларни солиқлар орқали чеклаши эмас балки уларни янада рағбатланриши лозим.

## 2-жадвал

### 2021 йил 1 январ ҳолатига республика бўйича банк пластик карталари, тўлов терминаллари орқали тушган тушумлар тўғрисида маълумот<sup>17</sup>

Йиллар	Тижорат банклари	Муомаладаги банк пластик карталари сони	Ўрнатилган тўлов терминаллари сони	Ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони	Тўлов терминаллари орқали тушган тушумлар (млн.сўмда)
2018	28	19 225 702	235 712	5 632	52 972 251
2019	28	17 686 598	244 913	6 859	63 712 536
2020	30	20 547 366	392 361	9 203	71 020 181
2021	32	25 775 662	438 410	11 800	81 000 016

Юқоридаги жадвал маълумотларига асосан, Республикамиз бўйлаб 2021 йил 1 январ ҳолатига муомаладаги банк пластик карталари сони қарийб 25.8 млн. тани, тўлов терминаллари сони 438 минг тани, бу терминаллар орқали 2020йил давомида тушган тушумлар миқдори 81000 млрд сўмни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткичлар йил сайин прогрессив тарзда ортиб бормоқда, бу эса мамлакатимизда электрон тижорат соҳасини ривожлантириш учун худудларнинг иқтисодий потенциали ортиб бораётганлигидан далолат беради.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) расмий веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

### 3-жадвал

#### Республика бўйича масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг 2021 йил 1 январ ҳолатига сони тўғрисида маълумот<sup>18</sup>

	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар	Жами
2018	227 879	4 225 361	4 453 240
2019	359 770	7 599 337	7 959 107
2020	691 008	9 462 450	10 153 458
2021	822518	13 748 576	14 571 094

